

«NAZORAT-AUDIT»

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: hd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz

**“O’ZSUVLOYIHA” AJNing 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا
ишобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонанинг реквизитлари:

«O’zsuvloyiha» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Лавзак кўчаси 1а уй.
Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан
ўтказиши Инспекцияси томонидан 2014 йил 25 июлида акциядорлик жамияти шаклида R-
09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилганлиб
ғувоҳнома берилган. ОКЭД-71110 КФС-153.

Хисоб рақами: 20210000700153874001 ЦОУ ОАК «Туронбанк» Тошкент МФО 00446.
СТИР 200898475

Жамият директори Наджимов Марат Фахриевич.

Бош ҳисобчи: Сиддиқов Х.С.

Асосий фаолият тури: Республика сув хўжалиги ва ерларнинг милеорациясини
ривожлантириши, агросаноат манзиллини ривожлантириши билан боғлиқ бўлган экологик ва
иқтисодий далилларга асосланиб кўзланган чора тадбирлар масалалари ва унинг
инфраструктуралари ҳамда сув ресурсларини сақлаш ва улардан комплекс фойдаланиши.

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«NAZORAT AUDIT» аудиторлик ташкилоти**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Гоститал даҳаси, 11/2.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисида ГУВОХНОМА №545, 2007 йил 11
декабрда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрел куни берилган,
барча хўжалик юритувчи субъектларда «Аудиторлик фаолияти билан шугулланишига
руҳсат берувчи» №00811-сонли лицензия.

Хисоб рақами: 20208000604007713001 «DAVR-BANK» ХЕАТБ Чиланзор филиали, МФО-
01046, ИНН: 202884570, ИФУТ(ОКЭД) 69201.

Назаров Баходир Нематович, САР, Аудитор малака сертификати: № 05207 2014 йил 26
апрелда берилган.

Аудиторлик текшируви учун асос: “O’zsuvloyiha” АЖ билан 2020 йил 11 мартдаги №01/27-
20 сонли шартнома.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT AUDIT» аудиторлик ташкилотининг раҳбари Назаров Баходир Нематович, CAP, Аудитор малака сертификати: № 05207, 2014 йил 26 апрелда берилган, аудиторлик ташкилоти билан «O'zsvloyiha» АЖ ўртасида 11.03.2020 йилда тузилган 01/27-20 сонли шартномага асосан «O'zsvloyiha» АЖнинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – шакл №1(хисобот топширилган сана курсатилади), “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот” – шакл № 2, шаклларида иборат молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «O'zsvloyiha» АЖнинг илова қилган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.


Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримча хўжалик юритувчи «O'zsvloyiha» АЖнинг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**«NAZORAT AUDIT» АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИ ДИРЕКТОРИ:**



Б.Назаров

Худоса тузилган сана: “29” март 2021 йил.